

НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИНИНГ 2026 ЙИЛ I ЧОРАКДАГИ ҲАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА ҲИСОБОТ

2026 йилнинг I чораги давомида Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан давлат органлари ҳаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек аҳоли билан самарали мулоқотни йўлга қўйишга қаратилган тизимли ишлар амалга оширилди. Жамоатчилик кенгаши ўз ҳаолиятини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, давлат сиёсати устувор йўналишлари ҳамда жамоатчилик назоратини кучайтиришга оид вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этди. Ҳисобот даврида кенгаш ҳаолиятида тизимлилиқ, очиклиқ ва манфаатдорлиқ тамойиллари устувор аҳамият касб этди.

Ҳисобот даврида Жамоатчилик кенгашининг режага мувофиқ йиғилишлари мунтазам ташкил этилди. Ушбу йиғилишларда ҳудуддаги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар, аҳоли мурожаатлари билан ишлаш самарадорлиги, давлат органлари ҳаолиятидаги очиклиқ ва ҳисобдорликни таъминлаш масалалари кенг муҳокама қилинди.

Ҳусусан, Жамоатчилик кенгаши аъзоларининг одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш масаласи алоҳида аҳамият касб этди. Мазкур қоидалар кенгаш аъзоларининг касбий ҳаолиятида юкори ахлокий стандартларни жорий этиш, уларнинг масъулиятини ошириш, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва жамоатчилик ишончини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Муҳокамалар жараёнида кенгаш аъзолари одоб-ахлоқ қоидаларининг жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишдаги ўрни, давлат органлари билан ўзаро муносабатларда ҳалоллиқ, ҳолислик ва очикликни таъминлашдаги аҳамияти юзасидан атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Йиғилиш якунида мазкур одоб-ахлоқ қоидалари тасдиқланиб, уларни амалиётга жорий этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаб олинди.

2026 йил I чорагида Жамоатчилик кенгаши томонидан давлат органлари ҳаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш бўйича қатор амалий ишлар олиб борилди.

Жумладан:

- давлат органларида мурожаатлар билан ишлаш ҳолати ўрганилди;
- жамоатчилик кенгашлари ҳаолияти самарадорлиги таҳлил қилинди;
- аҳоли мурожаатлари асосида долзарб муаммолар аниқланди;

- жамоатчилик фикрини ўрганишга қаратилган мониторинг ишлари амалга оширилди.

Мониторинг натижалари шуни кўрсатдики, айрим ҳолларда мурожаатларни кўриб чиқиш муддатларига риоя этмаслик, аҳоли билан ишлашда тизимли ёндашувнинг етарли эмаслиги каби камчиликлар мавжуд. Шу муносабат билан тегишли давлат органларига аниқ таклиф ва тавсиялар киритилди.

Жамоатчилик назоратини ҳудудларда янада кучайтириш мақсадида Қизилтепа, Хатирчи ва Навбахор туман ҳокимликлари ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашлари фаолияти ўрганилди.

Ўрганишлар қуйидаги йўналишларда амалга оширилди:

- кенгашлар иш режаларининг шакллантирилиши;
- аҳоли мурожаатлари билан ишлаш амалиёти;
- жамоатчилик назорати тадбирларини ташкил этиш ҳолати;
- давлат органлари билан ҳамкорлик даражаси;
- ахборот очиқлиги ва ҳисобдорлик механизмлари.

Ўрганиш натижаларига кўра:

- айрим туманларда жамоатчилик кенгашлари фаолияти тизимли йўлга қўйилган;
- бироқ айрим ҳолларда ташаббускорлик етишмаслиги ва методик ёндашувлар камлиги кузатилди.

Шу муносабат билан:

- кенгаш аъзоларига амалий ва методик ёрдамлар кўрсатилди;
- жамоатчилик назоратини ташкил этиш бўйича намунавий усуллар тушунтирилди;
- фаолиятни самарали ташкил этиш бўйича аниқ тавсиялар берилди.

Ҳисобот даврида Жамоатчилик кенгаши томонидан аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Жумладан:

- аҳоли мурожаатлари ўрганилди ва тегишли ташкилотларга йўналтирилди;
- фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди;
- жамоатчилик фикрини ўрганиш орқали муаммолар таҳлил қилинди.

Бу ишлар аҳоли ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилди.

Жамоатчилик кенгаши ўз фаолиятини самарали ташкил этишда давлат органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликни ривожлантирди.

Хусусан:

- жамоатчилик назоратини кучайтиришда ННТлар билан ҳамкорлик йўлга қўйилди;

- ҳуқуқий тарғибот ва аҳоли билан ишлашда қўшма тадбирлар ташкил этилди;
- жамоатчилик кенгашлари фаолиятини мувофиқлаштириш ишлари олиб борилди.

Бу ҳамкорликлар жамоатчилик назоратининг самарадорлигини оширишда муҳим омил бўлди.

Умуман олганда, 2026 йилнинг I чорагида Навоий вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши томонидан амалга оширилган ишлар ҳудудда жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат органлари фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш, аҳоли билан самарали мулоқотни йўлга қўйишга хизмат қилди.

Келгуси давр учун қуйидаги устувор вазифалар белгилаб олинди:

- жамоатчилик назорати механизмларини янада такомиллаштириш;
- ҳудудий кенгашлар фаолиятини кучайтириш;
- аҳоли мурожаатлари билан ишлаш самарадорлигини ошириш;
- ҳуқуқий маданиятни юксалтириш;
- давлат органлари ва жамоатчилик ўртасидаги очик мулоқотни кенгайтириш.

**Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик Кенгаши котиби**

М.Ҳамидов